

Bobur's poems (rubays - four lined poems)

1

Эй гул, не учун кошингда мен хор улдум?
Юз меҳнату андух била ёр улдум?
Васлинг била бисёр севиндим аввал,
Хажринг била окибат гирифтор улдум.

Oh flower, why I was ignored by you,
Labored my suffering was caused by you.
I was so elated and happy by dating you
I was destined to separation from you.

2

Мен неча жафоу жавринга сабр этай?
Бир зарра вафоу меҳр йук сенда, нетай?
Чун бошим оёгинга куярга ярамас,
Бошимни олиб оёк етганча кетай.

How much suffering should I stand,
If you lack faith or love how I tolerate,
Worthless I'm to bent my head to your feet
Should I be gone where my legs will lead

3

Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши,
Шод этмас эмиш кунгулни меҳнатда киши.
Кунглим бу гарибликда шод улмади, ох,
Гурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

Man is not remembered when in misfortune,
The soul is not happy when man is suffering,
My soul's never been happy in exile, alas,
Man is sure to be unhappy if he is grieving

4

Кунгли тилаган муродига етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши.
Бу икки иш муяссар улмаса оламда,
Бошини олиб бир сарига кетса киши.

When man reaches what his heart desires,
Or else he should give up all his dreams.
If these two wishes of his are not achieved,
Then man's fate is to quit this world, it means

5.

Зулфига кунгил куюб паришон булдум,
Куз олдирибон юзига хайрон булдум.
Чин дей сенга, Бобирки ошикликда,
Хар неки килиб эдим – пушаймон булдим.

Falling in love with her beauty I lost my mind,
When my eyes fell on her face I wondered,
To tell you the truth, Bobur, being in love,
Whatever he did he was only disappointed

6

Бир зулфин, эй кунгил, паришон булма,
Бир юзга асри зору хайрон булма.
Мен сенга демонки, тарки ишк эт, лекин
Андок килким, сунгра пушаймон булма.

7

Хажри аро орому карорим йуктур,
Васлига етарга ихтиёрим йуктур.
Кимга очайин розки, йук махрами роз. (сирдош)
Гам кимга дейинки, гамгусорим йуктур.

8

Ул хатки, анда сени мен ёд этгаймен,
Куз окида кошки, савод этгаймен.
Киприклардин анга калам рост килиб,
Куз корасидин анга мидод этгаймен.

This letter I wrote is to remember you,
I used my eyes to fill the white paper.
I used my lashes as a pencil in super,

The pupils of eyes I used as ink proper

9

Даврон мени уткарди сару сомондин,
Айирди бир йула мени хонумондин.
Гох бошима тож, гах балои таъна,
Неларки, бошимга келмади даврондин.

10

Сен гулсену мен хакир (бечора) булбулдурмен,
Сен шуъласену ул шуълага мен кулдурмен.
Нисбат йуктир деб ижтинаб (тортиниш) айламаким,
Шахмен элга, вале сенга кулдурмен.

You are a flower, I'm a poor nightingale,
You are a ray, I am a slave to this ray.
Don't avoid yourself for lack of equal,
Though I'm a king, for you I'm a slave.

11

Хар кимки, вафо килса, вафо топкусидур,
Хар кимки жафо килса, жафо топкусидур.
Яхши киши курмагай ёмонлиг харгиз,
Хар кимки, ёмон булса, жазо топкусидур.

12 ? 13

Хатимни куруб, сузумни чун билгайсен,
Келмакта бизга ел каби елгайсен.
Ихлосингни билиб йубордим косид,
Рахмат санга, зинхорки, бот келгайсен.

Reading my letter, my words you feel,
To visit me you'll fly like the wind, due.
Aware of your loyalty I sent my message,
Thank you, you'll come very soon too.

14

Купдин бериким, ёру диёрим йуктур,
Бир лахзау бир нафас карорим йуктур.
Келдим бу сори уз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йуктур.

For long neither beloved nor land I've had,
Neither time nor moment for decision I had.
To this part of the world I came by my will,
To return back the will I lack, it's so sad.

15 ? 16

Эй ким, куёш ул юзинг, хилол (янги куринган ой) ул коштур,
Пулоддур кунглингу багринг тошдур.
Номамга агар яхши жавобинг йуктур,
Сукмак била ёд айласанг хам хуштур.

17

Ким ёр анга илм толиби, илм керак,
Ургангали илм толиби илм керак.
Мен толиби илму толиби илме йук,
Мен бормен илм толиби, илм керак.

18

Кузунгдин эрур, назора кил, хасталигим,
Кошингдин эрур гам била пайвасталигим,
Бошимни олиб кетгай эдим юз катла,
Булмасайди сочингга дилбасталигим.

19 ? 20

Эл сухбатинки, орзу килмишмен,
Не хушлиг ила бу гуфтигу (сузлашув) килмишмен.
Ишрат ила айшни не иш килгаймен,
Менким, гаму мехнат била ху (куникилган) килмишмен.

21

Эйким, бари шеър ахлига сен хон янглиг,
Шеъринг бори шеърларга султон янглиг.
Мазмуни анинг хати саводи ичра,
Зулмат орасида хайвон янглиг.

22

Май таркини килгали паришондурмен,
Билмон килур ишимнию хайрондурмен,
Эл барча пушаймон булуру тавба килур,
Мен тавба килибмену пушаймондурмен.

23

Бу олам аро ажаб аламлар курдим,
Олам элидин турфа ситамлар курдим.
Хар ким бу Вакоеъни укур, билгайким,
Не ранжу, не мехнату не гамлар курдим.

24

Неча бу фалак солгуси гурбатга мени,
Хар лахза тугангусиз машаккатка мени.
Не чора килай, нетайки, тенгри гуё,
Мехнатни менга ёр этти, мехнатка мени.

25

Ишкинг йулида фирок ила нетгаймен
Бир йул курсатки, васлингга етгаймен,
Васлинг манга гар муяассар улмаса,
Бошимни олиб бир солига кетгаймен.

26

Бекайдмену хароби сийм эрмасмен,
Хам мол йигиштирур лаим эрмасмен.
Кобулда икомат этди Бобур, дерсиз,
Андок демангизларки, муким эрмасмен.

27

Рафторию каддига равоним садка,
Бир бокишига икки жахоним садка.
Огзию белига буду набудим сарф,
Кузию лабига жисму жоним садка.

To her conduct and body my life I sacrifice,
To her one gaze my both worlds I sacrifice.
To her mouth and belli all myself I sacrifice,
To her eyes, lips my body and soul I sacrifice.

28

Эй ёр сенинг васлинга етмак мушкил,
Фархунда хадисингни эшитмак мушкил.
Ишкингни доғи бартараф этмак мушкил,
Бошни олибон бир сори кетмак мушкил.

Oh beloved, to enjoy your love is difficult,
To hear your sweet words is quite difficult,
To treat the wounds of your love is difficult,
To be gone from you somewhere is difficult.

29

Киш булдию булди барча тому тош кор,
Жамъияти бор кишига бордур хуш кор.

Бу кишда ёмон йулу паришон холим,
Ё раб, мени яхшилик сарига бошкор.

30

Душманники, бу дахр забардаст килур,
Нахват (гурур) майидин бир неча кун маст килур.
Гам емаки , еткурса бошини кукка,
Охир яна ер каби они паст килур.

31

Майхона сори гузар, эй жон, килма,
Ишрат уйини кулбаи ахзон килма.
Зулфинг киби кунглумни паришон килма,
Лаълинг киби багримни тула кон килма.

32

Эй ким, менга мужда бердинг ул жонондин,
Килдинг мени озод гами хижрондин.
Бу муждани не навъ сифат килгаймен,
Гуёки хабар бердинг улукка жондин.

33

Хижронда согиниб мени ёд этгайсен,
Мен хастанни мухлис эътикод этгайсен.
Бу хатни анинг учун битидим мунда,
Кургач бу хатимни мени ёд этгайсен.

34

Хуснунки сенинг, шухраи офок (оламга машхур) улди,
Жон бирла кунгул васлингга мушток (зор) улди.
Хажринг аро интизор хаддин ошти,
Кел ё мени иста, токатим ток улди.

Your beauty has a fame in this world,
For you my heart and soul strive, sure.
Of the separation I miss you so much,
Come, my darling, no longer I endure

35

Эй ел, бориб ахбобка номимни дегил,
Хар ким мени билса бу каломимни дегил.
Мендин демагил гар унутилгон булсам,
Хар кимки мени сурса, саломимни дегил.

Oh wind, to friends my best regards, give,

To those who know me, my words, give.
If I was forgotten don't say it is from me,
Each who asks of me, my regards give

36

Андин бариким , касдим учун турди фирок,
Юз дард аламини менга еткурди фирок.
Мени эшигингдин, нетайин, сурди фирок,
Кил чора, йук эрса мени ултурди фирок.

37

Не ишрату айш учун майи ноб манга,
Не тоат учун гушаи мехроб менга.
Не фиск килурга бордур асбоб манга,
Не зохид улурга токату тоб манга.

38

Мунча мени зор, эй юзи хуршед, этма,
Фуркат аламини манга жовид этма.
Тенгридин агар сенинг умидинг бордур,
Тенгри учун, эй ой, мени навмид этма.

39

Юз жаҳд ила етмон санга, эй ой, нетай?
Хажринг аламида неча йиглай, нетай?
Йук санга вафоу рахму парвой, нетай,
Эй вой нетай, вой нетай, вой нетай?

40

Туз ох, Захриддин Мухаммад Бобур,
Юз ох, Захриддин Мухаммад Бобур.
Сарриштаи айшдин кунгулни зинхор,
Уз, ох, Захриддин Мухаммад Бобур.

41

Гар меҳр била бу чарх эврулса эди,
Жонлардин аннинг хавфи керак тулса эди.
Бобур киби жонга меҳр боғлар эрдим,
Гар ушбу жаҳонда меҳрижон булса эди.

Should this world be softened by love,
Should her heart be in need of desire,
Then as Bobur, to her I'll give my heart,
Were there a beloved in this world, dear.

42

Эшитса киши, бу шуру шеван не дегай?
Доим бу тарик ичкуни курган не дегай?
Душман сузига кирма, эшит дуст сузин,
Эшитмаса сузни дуст, душман не дегай?

43

Бошимни туфайил ул саромадка килай,
Жонимни фидо ушал сихи кадка килай.
Бу хаста кунгул била хамида кадни,
Кузи била зулфига онинг садка килай.

44

Хижрон аро неча нома тахрир килай,
Хома тили бирла хол тақрир килай.
Хуш улки сузим санга десам воситасиз,
Сен андау мен мунда, не тадбир килай?

45

Гавгода май иртикоб килмок мушкил,
Жонга куч ила азоб килмок мушкил.
Булмай доги маст, гоб килсок мушкил,
Ахбобдин ижтиноб килмок мушкил.

46

Бесабрмену бесару сомондурмен,
Биргамзададурмену паришондурмен.
Не диннинг ишин килдиму не дунёнинг,
Ёраб, нетай, уз ишимга хайрондурмен.

47

Куз шамъини ёруткали махваш келдинг,
Сабр уйини куйдиргали оташ келдинг.
Килдинг мени келанинг била миннатдор,
Рахмат санга, яхши келдингу хуш келдинг.

48

Юз шукур килайки, ёна ошик булдум,
Оламга булуб афсона ошик булдум.
Яхши сузингу васфи жамолинг эшитиб,
Курмай сени гойибона ошик булдум.

Thanks endlessly, in love I fell,
Being legend for world in love I fell,
Of your good words, charm I heard,
From distance not seeing in love I fell.

49

Эй ой, юзинг олдида куёш шарманда,
Ширин сузу яхши хулкунгга мен банда
Хижронда неча нома била сузлашалинг,
Ё сен бери кел, ё борайин мен анда.

50

Ёраб, менда не яхши толеъ бордур,
Ким бахти мутеъу ёри тобеъ бордур.
Маъзур тут гар васлингга кечрок етсам,
Не чора килай, озгина монёъ бордур.

Oh Allah, a good lot I have not,
Happiness and love I have not.
Forgive me if I come to you late,
What can I do if I mind a little.

51

Хажрингда бу тун кунгулда кайгу эрди,
Васлингга етишмадим, жихат бу эрди.
Охим тутуни бирла кузумнинг ёшидин,
Йул балчик эрди, кеча коронгу эрди.

52

Ишкинг мени килди асри шайдо, нетайин?
Олам элига айлади расво, нетайин?
Жонимни фидо килиб санга андин сунг,
Дерманки, сени жон этай, аммо нетайин?

53

Келди рамазону мен токи бодапараст,
Ийд улдию зикри май килдурмен пайваст.
Не рузау не намоз йиллар, ойлар,
Тун-кун маю, мажъун била девонау маст.

54

Жисмимда иситма тобидин оташдур,
Жоимга балоу гусса бебаркашдур.
Куп дард ила гамдин менга нохушлук эрди,
Сен сургали, эй хабиб, кунглум хушдур.

55

Озор ила неча гуфтугу килгайсиз
Озурда булурни жустужу килгайсиз.
Мунчаки кунгулларга етушти озор,
Май бирла, магарки, шустушу килгайсиз.

56

Косидки, йибординг, айлади шод мени,
Доим бу юсунлик айлагил ёд мени.
Озодинга кул булайки, хатинг кетуруб,
Хажринг гамидин айлади озод мени.

57

Олудаи (булганган) юз туман маосий (гунохкор) булмок,
Юз ранжу туман азоб хоси булмок.
Куп яхши экан ахли хираднинг қошида,
Ким огритибон атони осий (гунохкор) булмок.

58

Хижрон кафасида жон куши дам киладур,
Гурбат бу азиз умрни кам киладур.
Не навъ битай фироку гурбат шархин?
Ким куз ёши номанинг юзин нам киладур.

In separation cage the soul's bird breathes not,
The grieves will make this dear life short.
How can I comment on separation and sorrow,
Of which this letter is wet with tears of my eye.

59

Ут солди кунгулга ранжу бетоблигим,
Сув килди бу хаста жонни беоблигим.
Бу иккаласи агарчи бор мухлику саъб,
Лек ултурадур тонггача беоблигим.

60

Хар ердаки гул булса, тикан булса не тонг,
Хар кандайки май, дурдидин (куйка) булса не тонг.
Шеъримда агар хазл, агар жид, кечуринг,
Яхши борида агар ёмон булса не тонг.